УДК 8.085.13.04

“ҲУЖУМ” ПЬЕСАСИ ХУСУСИДА

Д.З. Абдуллаева

Мақолада “Ҳужум” пьесасининг муаллифи масаласи, яратилиши, таржима қилиниши ва саҳналаштирилиши, асарга билдирилган муносабатларни ўрганиш мақсад қилинган. “Ҳужум” пьесасининг ўзига хос яратилиш тарихи бўлиб, ижодий таржима, ҳамкорликда драма яратиш масалаларини ойдинлаштиришда асарни тадқиқот объекти сифатида ўрганиш муҳим ҳисобланади. “Ҳужум” пьесасининг муаллифи В.Ян деб белгиланса-да, асарнинг илк тархини Чўлпон чизиб бергани, сўнгра уни ижодий таржима қилгани, асарни ўзбек халқи урф-одатлари билан бойитгани далилланган.

Калит сўзлар: *Чўлпон ва В.Ян ҳамкорлиги, “Ҳужум” драмаси матни ва таржимаси, Чўлпон драматургияси, “Ҳужум” драмаси, драма таржимаси.*

В статье ставится задача изучить вопрос об авторе стихотворения «Худжум», его создании, переводе и постановке, отношении к произведению. «Худжум» – это уникальная история создания, и изучение произведения как объекта исследования важно при выяснении вопросов творческого перевода, совместной драматургии. Хотя автор поэмы «Худжум» идентифицирован как В.Ян, доказано, что Чулпан сначала нарисовал историю произведения, а затем творчески перевел его, обогатив произведение обычаями узбекского народа.

Ключевые слова: *соавторство Чулпона и В.Яна, текст и перевод драмы «Худжум», драматургия Чулпона, драма «Худжум», перевод драмы.*

Кириш

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон XX аср бошларидаги ўзбек драматургияси ва таржима соҳасини ривожлантирган адиблардан биридир. Унинг ижодий меросида шеърий, насрий асарлар таржимасидан ташқари рус ва жаҳон драматургларининг саҳна асарлари таржималари ҳам кенг ўрин олган. Шундай асарлардан бири “Ҳужум” пьесаси В.Ян (Янчевицкий) ва Чўлпон ҳаммуаллифлигидаги саҳна асари бўлиб, у 1927 йилда дастлаб В.Ян томонидан ёзилган. Кейинроқ эса Чўлпон уни ижодий қайта ишлаб, ўзбекчалаштирган. Адабиётшуносликда “Ҳужум” пьесасининг муаллифи ҳақида турли муносабатлар мавжуд бўлиб, айрим адабиётшунослар “Чўлпон таржима қилган” деса, айримлари “асарда Чўлпоннинг ҳиссаси кўп” деб, баъзилари “ҳаммуаллифликда ёзилган” дея фикр билдирадилар. “Ҳужум” пьесаси ҳақида ўз даврида В.Ян кундаликларида [2], Сотти Ҳусайн [3] мақола ва тўпламларида фикр-муносабатлар билдирганлар, кейинроқ Татьяна Лобанова [4], О.Шарафиддинов [5], Н.Каримов [6; 1], С.Мамажоновлар [7]нинг пьеса бўйича таҳлиллари чоп этилган.

Материал ва усуллар

Адабиётшуносликда Чўлпон драматургиясига доир В.Ян билан ҳамкорликда ёзилган деб қайд этилувчи “Ҳужум” пьесаси тадқиқ этилиши зарур масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур муаммони ҳал этишда қиёсий-тарихий, тарихий-маданий усулга таянилди.

Натижалар ва муҳокама

Чўлпон ҳаёти ва ижоди билан яхши таниш бўлган рус ёзувчиси Василий Григорьевич Ян 1934 йилда чоп этилган “Большая советская энциклопедия” учун Чўлпон ҳақидаги маълумотларни ўзи тайёрлар экан, “Ҳужум” асари ҳақида: “Чўлпоннинг айниқса охирги асарлари эътиборга молик: “Ҳужум” мусиқали комедияси, 1927 (В.Ян билан ҳамкорликда) – ўзбек аёлининг озодлиги ва руҳонийлар таъсирига қарши кураш ҳақида” деб ёзган эди [8. Б. 683]. Мазкур маълумотларга кўра “Ҳужум” мусиқали комедия бўлиб, 1927 йилда В.Ян билан ҳамкорликда ёзилган. Бу ўринда В.Ян Чўлпонни таржимон деб эмас, асарни иккаласи бирга (“совместно”) яратганлигини қайд этмоқда. Мавзуси эса ўзбек аёлининг эрки ва жамиятдаги хурофий тушунчалар, урф-одатлар танқиди ҳақидадир. Энциклопедияда Чўлпон ҳақидаги яна шу каби бошқа маълумотларни В.Ян унинг ўзидан олган, бу вақтда Чўлпон ҳаёт эканлиги маълум. “Ҳужум” пьесаси 1927 йилда яратилиб, ўша йилиёқ саҳналаштирилган, бир йилдан сўнг катта саҳналарда намойиш этилган, халқ ўртасида машҳур бўлган. Бироқ ҳар икки муаллифнинг асарни яратишга доир ҳиссасини аниқлаш ҳамда асарнинг асл матни масаласи ҳозиргача очиқ қолмоқда эди.

“Ҳужум” пьесаси ҳақида Чўлпоннинг ўзи ҳам бир неча мақолаларида тўхталиб ўтади. Асарнинг ҳамкорликда яратилгани ҳақида “Мен севган азаматлар” мақоласида: “Ҳужум”ни Ян ва мен билан бирга Лутфулла яратган десам хато бўлмайди”, деб ёзган эди [9. Б. 135]. Чўлпон тилга олган актёр Лутфулла Нарзуллаев театр актёри бўлиб, у “Ҳужум”да эшон ролини ўйнаган.

Чўлпоннинг XX аср бошларидаги ўзбек таржимачилиги ҳақида ёки ўзининг рус ва жаҳон адиблари асарларидан таржима қилиш ишлари ҳақидаги мақолаларида ҳам мазкур пьесани “таржима қилдим” деб айтмайди. Демак, В.Ян ҳам, Чўлпон ҳам пьесани ҳамкорликда яратганларини тасдиқлаб турибдилар.

“Ҳужум” пьесасининг яратилишига туртки берган сабаб ВКП (б) МҚнинг 1927 йил 12 июлдаги махсус қарори бўлган эди. Бу қарор “Ўрта Осиё хотин-қизларини озодликка чиқариш тўғрисида” бўлиб, унда аёлларнинг паранжи ташлаши, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимояси кўзда тутилган эди. Ушбу қарорни амалга ошириш, муносиб жавоб бериш ва ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида, қарор чиққан кундан бошлаб роппа-роса бир ярим ой ўтгач, яъни 1927 йил 29 августда В.Ян ёзган “Ҳужум” пьесаси Самарқандда ҳаваскор болалар томонидан саҳналаштирилади. М.В.Янчевецкийнинг ўз отаси ҳақидаги хотираларда ҳам пьесанинг қисқа вақтда ёзилгани айтилади: “...“Ҳужум” тез ёзилган. Фақат уни саҳналаштиришдек энг мушкул иш қолган эди, холос” [2. Б.329].

Дарҳақиқат, ушбу чиқарилган қарор ва пьесанинг ёзилиш даври солиштирилса, мураккаб адабий тур бўлган драматик асарнинг бундай тез вақтда ёзилиши ўйга солади. Бу вақтда, яъни 1927 йилда Василий Ян ҳам, Чўлпон ҳам Самарқандда яшаганлар. Чўлпоннинг Самарқанддаги фаолияти ҳақида қуйидаги жумлалар ҳам шу фикрни қувватлайди: “Москва драмстудиясининг илк битирувчилари билан бирга 1927 йил баҳорининг охирларида Чўлпон юртига қайтди. Студиячилар пойтахт Самарқанд саҳнасида бир қатор ҳисобот спектаклларини намойиш қилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар. Шу тариқа ўзбек профессионал театри шаклландики, унинг оёққа туришида ҳассос шоиримиз Чўлпоннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор эди. Чўлпон Самарқандда яшаб, театрда адабий эмакдош сифатида ишлай бошлади” [10. Б. 23–24]. Шундан келиб чиқиб, иккала адибнинг кўришмаслиги мумкин эмас эди, дея оламиз. Адиблар “Ҳужум” пьесасининг илк варианти устида бирга ишлаганлар дейиш мумкин.

“Ҳужум” пьесасининг яратилиши ҳақида В.Яннинг кундаликларидаги хотиралар, Н.Каримов ва Т.Лобановаларнинг асар ва мақолаларида фикр-мулоҳазалар эътиборга молик. Шу маълумотларга кўра В.Ян, шоир Шенгели ва унинг рафиқаси ҳамда Чўлпонлар бир даврада бўлганларида, Чўлпон уларга “Шарқдаги турли элатларнинг қўшиқ айтишларига ғоят кулгили равишда тақлид қилган ҳолда Шарқ шеърлари ва ашулаларини айтган”, “Хўжа Насриддиннинг ажойиб шарқона латифаларини ҳикоя қилиб берган”, бу латифалар В.Янда улардан кулгили пьеса-буффонадани қуришда фойдаланиш фикрини уйғотган [2. Б. 330]. Бу фикрлардан ҳам кўринадики, Чўлпон “Ҳужум” асарининг фақат таржимони эмас, балки унинг тархини чизган, асосини, асар ғояси ва моҳиятини В.Янга тақдим этган драматург эди. Демак, пьесанинг юзага келишида илк “хамиртуруш”лик вазифасини бажарган ғоя Чўлпонга тааллуқли эди, десак хато бўлмайди. В.Ян кундаликларини таҳлил қилар экан, Н.Каримов ҳақли равишда қуйидагиларни қайд этади: “...ўзбек воқелигини юзаки билган бу ёзувчининг “Ҳужум”ни яратиши, шакшубҳасиз, Чўлпоннинг иштирокисиз, у берган “туртки”ларсиз мумкин эмас эди. Чўлпон бу асарнинг яратилишида нафақат таржимон, балки даставвал, адабий ва этнографик маслаҳатчи сифатида қатнашган, асарнинг умумий йўналиши ва композициясини ишлаб чиқишда иштирок этган, сўнг таржима қилиш жараёнида асарга янгича ҳаёт бағишлаган” [2. Б. 330].

Пьеса Самарқандда илк марта саҳнага қўйилиши билан эмас, орадан бир йил ўтгач, 1928 йил 21 августда илк премьера ўтказилгандан кейин шуҳрат қозонди. Бироқ театр афишаларида ҳам, асарнинг топилган нусхаси титулида ҳам Чўлпон таржимон сифатида қайд этилган. Чўлпон ва В.Яннинг ижодий дўстлигини ўрганган Т.Лобанова асарни “Чўлпон таржима қилган ва қайта ишлаган” деган фикрни билдиради. Асарнинг Москвада қўйилиши ҳақидаги ўринда муаллиф қуйидагича фикрлайди: “Шубҳасизки, пьеса муваффақиятини яратувчилар В.Ян ва мутаржим Чўлпон тенг бўлишди. Мутаржим эмас, балки ҳаммуаллиф дейиш тўғрироқ бўларди” [4. Б. 117].

Яна шуни таъкидлаш ўринлики, топилган ягона асар нусхаси ҳам пьесанинг фақат спектаклга мўлжалланган шакли ҳисобланади. Бизга маълумки, драматург яратган драма саҳна учун қайта ишланганда кўплаб ўзгаришларга учрайди, театр режиссёри асарни саҳнага мослаштиради. Кўринадики, “Ҳужум” пьесасининг драматург яратган асл матни масаласини ҳал қилиш ҳам кун тартибида кўндаланг бўлмоқда.

С.Мамажонов 1927 йилда Самарқандда қўйилган спектакль афишасида: “Понедельник 29 августа 1-опытно-показательный спектакль детского творчества, детский спектакль 2 пьесы “Хужум” “Дочь свободы” в один вечер первый раз в Узбекистане. Сочинение автора детских пьес В.Ян” деган сўзлар борлигини таъкидлаган эди [7. Б. 18]. Бундан кўринадики, “Ҳужум” пьесаси тезлик билан ёзилган ҳамда дастлаб ҳаваскор болалар труппаси томонидан ижро этилган, асар соддароқ бўлган бўлса, Чўлпон уни қайта ишлаган, таҳрир қилган ва ўзбек тилига ўгирган. Бизнингча, пьеса дастлабки кўринишда қисқа, ихчам бўлган. Тахминимизча, асарнинг биринчи вариантини саҳналаштирилиши В.Тихонович томонидан амалга оширилган. Орадан бир йил ўтиб, 1928 йил 21 августда асар тамоман янги қиёфада Марказий ўзбек давлат труппаси томонидан Маориф халқ комиссарлиги давлат театрида саҳнага қўйилади. Асарни Уйғур саҳналаштирган. Айрим адабиётларда саҳналаштирувчи режиссёр сифатида Уйғур билан бирга Мумтоз Муҳаммедов ҳам кўрсатилади [5. Б. 88].

Труппа Фарғона водийсидаги гастрол сафарларида Андижон, Қўқон, Наманган, Фарғона, Марғилон шаҳарларида пьесани саҳнага қўяди. Бугунги кунгача сақланиб қолган ўша вақтдаги театр афишасида “Бугунги ўзбек турмушидан олиниб ўйналар. Куйлар билан ёзилғон 4 пардалик қаттиғ кулги. Саҳнага қўювчи Уйғур, В.Ян асари. Чўлпон таржимаси. 1928 йил 16 ноябрь, жума” дейилган.

Агар пьесанинг Чўлпон томонидан қайта ишланганига эътибор қаратилса, дарҳақиқат, Чўлпоннинг улуши кўпроқ эканига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, тўртинчи саҳнани Чўлпоннинг ўзи қўшади. Н.Каримовнинг аниқлашича, асарнинг ўзбекча вариантида тўртинчи парда, яъни бозор саҳнаси пьеса матнида сақланмаган экан. Мазкур нусхада асар 5 та саҳнадан иборат. С.Аҳмедов ҳам пьеса ҳақида: “Аниқроғи В.Ян мавзуси асосида Чўлпон томонидан деярли қайта ёзилган оригинал асар. Негаки, В.Ян рус болаларига миллий ҳаётдан олинган бир эртакнамо-экзотик нарса ёзган, бундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин эмас” [1. Б.18] деб ёзган эди.

Андижон вилояти Тарих ва маданият давлат музейи фондида “Ҳужум” – Ян. инв. 9919” деб ёзилган варақ сақланади. Саҳифа айлантирилганда асар номи рус тилида “Худжум” сўзи қаламда ёзилганини кўриш мумкин. Шундан кейин пьеса учун ишланган ватман қоғоздаги иллюстрация келади. Унда ҳукумат идорасига ўхшаш хона тасвирланган. Хона марказида стол-стул қўйилган, тўрида, меҳроб қисмида шўроларнинг катта байроғи икки томонга ўрнатилган. Сурат остида 5-кўриниш. “Канцелярия” ёзувлари бор. Афсуски, музей фондида асарнинг қолган қисмлари топилмади. Булардан эса асарнинг бошқа нусхалари, муаллиф версияси ёки спектакль вариантларини музей фондлари, театр архивларидан қидириш керак деган хулоса келиб чиқади. Асарнинг нечта саҳнадан иборатлиги ҳам (4 ёки 5 та саҳна) икки хил қараш бўйича қолмоқда.

“Ҳужум” пьесаси дастлаб академик Н.Каримов томонидан 1993 йили “Нафосат” журналида чоп этилган [11]. Мазкур асар ЎзРФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида сақланган, номаълум котиб кўчирган нусха асосида нашр қилинган. Бу асар нусхасида ҳам Чўлпон номи таржимон сифатида кўрсатилган. 2016 йилда ушбу асар Н.Каримов ва Н.Йўлдошевлар томонидан Чўлпоннинг 4 жилдлик “Асарлар”ига киритилди [9. Б. 250–298]. Мазкур нашрда пьесага ёзилган изоҳларда В.Ян асарни ёзганлиги, “театр жамоасининг таклифи ва муаллифнинг розилиги билан Чўлпон асарни ўзбек тилига таржима қилган”лиги айтилади. Шунингдек, “В.Ян кундаликларининг 1933 йилга оид саҳифаларида Чўлпоннинг асарга ҳаммуаллиф бўлганлиги ва спектаклнинг томошабинлар ўртасида зўр муваффақият қозонишида катта роль ўйнаганлиги” [2. Б. 250–298] таъкидланади.

Чўлпон пьесадаги қаҳрамонларга ўзбекона қиёфа, хулқ-атвор хусусиятларини беради. С.Мамажонов бу ҳақда қуйидагиларни айтиб ўтган эди: “... айниқса, ундаги барча диалог ва монологларни бутунлай ўзбекча шаклга солади, қўшиқлар тўқийди, музикалар танлайди, аскиялар киритади... гўё асар ўзбек драматурги томонидан ёзилган асардек чуқур миллий шаклда, руҳда жаранглайди” [7. Б. 18]. Бундан ташқари “Чўлпон персонажлар тилини ёрқин индивидуаллаштиради: эшон нутқида диний иборалар ишлатилади, Турсун сажъ усулида сўзлайди, қизиқчилик қилади, эшонга “ит емас эшон”, деб лақаб қўяди, мақол, маталлар кўп ишлатилади, жин, пари, дев каби тушунчалар қўлланади, фольклордаги каби Гулжамол Турсун кийимини, Турсун қизникини кийиб роль ўйнайдилар” [7. Б. 18]. Пьесага халқ куй ва қўшиқларидан “Насрулло II”, “Лайзангул”, “Яллама ёрим”, “Хум-хум холайло”, “Лаъли бадахшон”, “Шукр қилайлик”, “Жонимей”, “Ушалди хуморим”, “Баржувон”, “Беги султон”, “Ёр-ёр”, “Дўст жўра”, “Омонёр”, “Сарбозча” кабилар киритилган.

1927–1928-йилларда асар саҳнага қўйилгандан кейин матбуотда унга турли муносабатлар билдирилган мақолалар чоп этилган. Сотти Ҳусайннинг “Ҳужум” (“Шарқ ҳақиқати”, 1929 йил 29 январь), “Ўзбек театри” китобидаги “Бизда оперетта масаласи” мақоласи”, “Ҳужум”ни қаҳқаҳалар билан томоша қилдик” мақоласи, Турғунбой, Ўгай каби тақризчиларнинг “Қизил Ўзбекистон” (1929 йил 18 ноябрь)даги мақолалари шулар жумласидан.

1930 йил июнда “Ҳужум” пьесаси Москвада бўлиб ўтадиган Миллий театрлар кўригига олиб борилади. Спектакль томошабинларда яхши таассурот қолдиради. Москва нашрларида спектакль ҳақида ижобий тақризлар босилади. “Вечерняя Москва” газетасида “Ҳужум” пьесаси ҳақида: “...Пьеса мусиқий буффонада жанрида қўйилган, театр асл театрбоплиги билан ажралиб туради ҳамда ўзбек театри учун янги имкониятлар очади”, дейилади. “Рабочий и исскуство” газетаси 1930 йил июнь сонида эса “Фақат “Ҳужум” спектаклида ўзбек театри афтидан ўзи излаб юрган шаклини топгандай бўлди. Театр ўз спектаклининг қурилишини худди шу “Ҳужум” йўлидан олиб бориши лозим” деб ёзади [7. Б. 18]. Бу мақолада пьесага юқори баҳо берилиб, уни бошқа пьесалар учун намуна бўла олиши таъкидланган. Пьеса ўзбек тилида қўйилган. Ҳатто пьесанинг ўзбек тилида эканлиги ҳам томошабинларни уни англашида тўсиқ бўлмаган экан.

Чўлпоннинг ўзи “Ҳужум” асарининг енгил кулгу билан йўғрилганини, юмористик характерда эканини таъкидлайди: “Ҳужум” нақадар ғайрижиддий ва енгилтак нарса бўлса ҳам, ўзбек совет саҳнасида бир неча йил гулдек умр сурди. Уни жиддий ишдан сўнг чинакам дам олмоқ истаган томошачи ҳаммавақт кўнгилдан олқишлади” [9. Б. 144]. Саҳна асари муваффақияти кўп вақт актёрга боғлиқлигини Чўлпон шундай изоҳлайди: “Нима деса десинлар, парда очилгач, саҳнада актўрдан бошқа ҳеч ким қолмайди. Муҳаррирлар биринчи қаторда (залда),

қўювчи дирекция ложасида, рассом кулис кетида қолади. Саҳнага актўр чиқиб, томошачига актўр кўринади. Томошачи асарни актўрдан олади" [9. Б. 135]. "Ҳужум" асари ҳақидаги кўп фикрлар, муносабатлар ва танқидларнинг аксарияти ижро ҳақида, актёрлар маҳорати, саҳнага қўйилиши тўғрисида эканини ҳам таъкидлаш ўринли бўлади.

Дарҳақиқат, мазкур пьесага берилган тавсифлар кузатилса, унда юмор кўплиги, қаҳрамонларнинг ҳолат кулгиси етакчилик қилганига урғу берилади. Бу борада Чўлпон ва Сотти Ҳусайн фикрлари жуда ўхшаш. Сотти Ҳусайннинг ўз даврида кўп ҳолларда танқидий фикр эгаси сифатида танилган бўлса-да, бу пьесага ижобий баҳо беради. Мақоланинг сарлавҳасидаёқ бу муносабат сезилади: "Ҳужум"ни қаҳқаҳалар билан томоша қилдик" номли мақола чоп этилади. Шунингдек, пьесанинг умумий пафоси ҳақида қуйидагича фикр билдиради: "Бу асарни баъзи ўртоқлар ҳеч нарсага арзимайди, дер эдилар. Албатта, бундай фикр енгил томоша билан оғир томошани англамасликдан келиб чиқади" [3. Б. 63]. Чўлпоннинг "ғайрижиддий ва енгилтак нарса" деган тавсифи Сотти Ҳусайннинг "енгил томоша" баҳоси билан мувофиқ келади. Танқидчи асарни "умумий меҳнаткаш томошабинлар учун қизиқ асар" эканлигини таъкидлайди. Яна асарда фақат "руҳонийларнинг ички сирларини очиб ташлаш"дан ташқари шўро идораларидаги камчиликдан кулади, деб айтилади. Мақола муаллифи пьесанинг кулгу, юмор билан суғорилганини таъкидлаб, асарнинг шаржликдан чиқиб, оперетта қолипига тушган бўлади, деб ёзади. "Шарж" ҳақида маълумот бераркан, асар томошабинни чуқур ўйлашга фурсат бермагани, чунки томошабин хурсандлик, чақчақдан, кулишдан бўшамагани, саҳнадаги ҳолат томошабинни тинмай қитиқлаганини айтиб ўтади.

Бу асарнинг ўзбек саҳнасининг оригинал кулги асарларга бўлган эҳтиёжи туфайли яратилганини билдирган Чўлпон яхши кулги асарларга бўлган эҳтиёж ҳали ҳеч бир қониқтирилмаганини айтган эди. "Биз таржума йўли билан Ғарб ва рус классикларини яна кўп кўрсатишимиз керак. Фақат оригинал кулги асардан майдондан ҳеч нарса йўқ!" [9. Б. 144] деб ёзган эди у. Яна шуниси эътиборлики, "Ҳужум" пьесаси Карло Гоццининг машҳур "Маликаи Турандод" асари даражасида деб баҳоланган. "Маликаи Турандод" пьесасини Е.Вахтангов саҳналаштириб, ўзбек санъат драмстудиясида намойиш этилган. Бу асарнинг мутаржими ҳам Чўлпон эди. Мазкур ўзбек труппаси Фарғона водийсига гастролга чиққан вақтда уларнинг репертуарида дастлабки ўринда "Маликаи Турандод", кейинги навбатда "Ҳужум" асари бўлган. Ўша даврдаги театр афишаларида ҳам бу ҳолат ўз аксини топган. Шунингдек, Чўлпон "Марказий труппамиз Фарғонага келадур" номли мақоласида қуйидагича ёзади: "Труппанинг сафарга олиб чиқадурған асарлари (репертуари) мана булардан иборат бўладур: "Маликаи Турандод", "Ҳужум", "Фарҳод ва Ширин" (бутунлай янги асосда тайёрланади), "Ёркиной", "Арслон", "Ҳалима" (Фарғонада қўйилмаган тарзда), "Икки бойга бир қарол". Булар юқоридағи шаҳарларнинг саҳна имкониятиға, ҳар ҳолда тўғри келади" [9. Б. 120]. С.Аҳмедов "Ҳужум" пьесаси ҳақида тақриз ёзган Ўгай тахаллусли Ф.Бакировнинг берган маълумотларга тўхталади. Унга кўра спектакль бошланишидан олдин тушунтирувчи (яъни Чўлпон) "Бу асар келгусида ўзбек саҳнасининг "Турандод"и бўлиб қоладир деган умидимиз бор" деб айтган экан [1. Б. 18].

Пьеса афишасидаги "қаттиғ кулги" изоҳи, Чўлпон, С.Ҳусайн ва бошқаларнинг пьесадаги кулгига берган таърифлари ҳам асарнинг умумий пафоси юмор ва ҳажв эканини кўрсатади. Асарнинг шу хусусиятларига кўра буффонада ёки буфф-драма деб ҳам аталади. Сотти Ҳусайн кўп ҳолларда Чўлпон асарларига танқидий муносабатда бўлган бўлса-да, ушбу пьесага жуда кўп ўринда ижобий баҳо беради. "Асар умуман яхши тузилган. Унинг устига Чўлпоннинг санъати қўшилиб, яна ҳам таъмлик бўлиб, томошабиннинг диққатини ўзига тортди", "Русчадан таржима қилғон Чўлпон бу асарга борлиқ маҳоратини тўкиб солғон. Асарнинг қуруқ тилини эмас, ҳатто кишининг завқини қитиқлайдиган сўз ўйинларини жой-жойида ишлатиб, мукаммаллаштирғон", деган фикрлари орқали асарнинг муваффақияти Чўлпон маҳорати билан белгиланиши исботланади.

Пьесанинг саҳнага қўйилиши ҳақида Чўлпоннинг ҳам ўз фикрлари, муносабати бор. У "Ҳужум"да эшон ролини ўйнаган Лутфулла Нарзуллаевга бағишланган мақоласида: "Музаффар отанинг "Ҳужум"и Лутфулласиз, Саъдихонсиз ва Сорасиз "Ҳужум" соғлом кулги бературған томоша эмас, томошачининг ғазабини келтуратурған бир онглашилмаслик эди. Уста актриса Лутфихонимнинг у қадар енгил сакрашлари ҳам ҳалиги камликни тўлдира олмади. "Ҳужум" яна саҳна юзини кўратурған бўлса, ишчи томошабин, ўзининг эски қадрдонлариға яна қовушмоғи лозим" [9. Б. 144], дейди. Бу ерда Чўлпон "Ҳужум"нинг режиссёри Музаффар Муҳаммедов ҳақида сўз юритмоқда ҳамда актёрлар – Лутфулла Нарзуллаев, Саъдихон Табибуллаев, Сора Эшонтўраевалар нинг маҳоратига катта баҳо бермоқда. Лутфихоним Саримсоқованинг роли эса бироз танқид остига олинган.

Музаффар Муҳаммедовнинг режиссёрлик маҳорати С.Ҳусайн томонидан ҳам эътироф этилган: "...бу ўйиннинг режиссёри ўртоқ Муҳаммадий ўйновчиларга яхши ҳаракатлар бера билган. Айниқса, кўпчилик ўйинлари ва муридларнинг умумий хонишлари, онгсиз батрак билан, чирик фикр эшон билан табибнинг муомалалари қандай соз чиқди" [3. Б. 64]. С.Ҳусайн эшон ролини ўйнаган Лутфулла Нарзуллаев ҳақида "Эшон ролида чиққан Лутфулла Нарзуллаевнинг ҳаракатлари, овозлари билан қўйиб қўйгандай. Лекин жуссасининг ингичкалиги уни анча қийнади", дейди. Чўлпон ана шу "қуйиб

қўйгандай” сифатлашининг сабабини кўрсатади: “Ҳужум”даги Эшон рўлининг Лутфуллага “қуюлиб тушганини” ҳамма билади, шу “қуюлиб тушуш” сабабларидан бири, шубҳасиз, ҳалиги ғализликдир” [9. Б.143]. Чўлпон бу ўринда ғализлик деб Лутфулла Нарзуллаевнинг сўзлашида бухоро шеваси борлигини назарда тутади ҳамда бу шева оҳангини “жуда усталик билан ёғдай силлиқ қилиб ўтказиши ва томошабин сезмай қолишини” таъкидлайди.

Чўлпоннинг ижтимоий ва ижодий фаолиятидан кўринадики, ўз даврида мамлакатда кенг қулоч ёйган “Ҳужум” фаолиятига у эътиборсиз бўлмаган. Бу мавзу унинг асарлари таркибида зикр этиладиган, лекин бугунги кунда матни топилмаган яна бир пьесаси “Ўртоқ Қаршибоев”да ривожлантирилади, мазкур асарга ҳам матбуотда турли танқидий муносабатлар билдирилган, қизғин баҳслар бўлган. Танқидчи Шокир Сулаймон “Менинг мулоҳазаларим” мақоласида “Ҳужум” – жиддий ва сиёсий бир масала бўлғани ҳолда у жуда енгиллаштирилиб, томошабинлар кўзига оддий бир ўйинчоқ каби қилиб тушунтирилади, фирқанинг, фирқа фаолларининг шўро жамоатчилик иштироки йўқ каби кўринади. Гўё “Ҳужум” – бир тўда комсомол, ёш пионер, йўқ-бор нарсага “чапак солиб қичқиратурған” болалар, ижтимоий қурилишимизда ортиқча рўли бўлмаган бир-икки кўча кишисининг иши бўлиб кўринади” деб ёзган эди [12]. Бу баҳо-муносабатдан асарнинг асосий пафоси худди “Ҳужум”даги каби енгил кулги, юмор эканини тахмин қилиш мумкин. Кейинги ўринларда мақола муаллифи аввалги фикрларини янада кучайтириб “уч пардада такрор кўрилатурған “оилавий тўгарак” манзараси жуда бўш, суюқ чиққан”лигини, “буни кўрган киши “оилавий тўгарак”ларнинг машғулоти – қуруқ ўйин-кулги, артистларнинг масхарабозлиғи, сатҳи бир қийланишлардан иборат экан”лигини, “хотин-қизларнинг очилишидан кутилган асосий мақсади очиқ кўрсатилмай бўялиб кетган” [12]лигини танқид қилади. Демак, мазкур муаллифлик пьесасида ҳам Чўлпон хотин-қизларнинг озодлиги, ҳақ-ҳуқуқи масалаларига яна қайтиб, аввалги драмадаги мазмунни давом эттирган, бу мавзуни янада кенгроқ ёритиб берган, дейиш мумкин.

“Ҳужум” асари ўз даврида саҳнага қўйилиб, “томошачига унутилмас завқлар берган” (Чўлпон), халқ ўртасида машҳур бўлганлиги асарнинг кўпчиликка манзур бўлганлигидан далолат беради. Бу эса унинг маълум нусхасидан ташқари яна бошқа нусхалари топилиши эҳтимоли ва асарни кенгроқ миқёсда ўрганиш заруратини кўрсатади.

Хулоса

XX аср бошларида ўзбек жадид драматургиясининг илк тамал тошларини қўйган адиблар қаторида Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг алоҳида ўрни бор. Чўлпон ижодига доир драмалар йигирмадан ортиқ деб белгиланса, шуларнинг қаторида рус ва жаҳон классикларининг драматик асарларидан қилинган таржималар ҳам анчагина салмоқлидир. Ўзбек адабиёти учун нисбатан кенжа соҳа бўлган драматургиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиб, тараққий этишида Чўлпоннинг хизматлари беқиёс. У рус ва жаҳон адиблари драматик асарларини таржима учун тасодифан танлаш йўлидан бормайди, балки бу асарлар ҳам унинг жадид ғояларига ҳамоҳанг бўлса, ўз даври муаммоларини акс эттирса, сўнг бу ишга қўл урганлигини кузатиш мумкин. Чўлпон таржима асарларда ҳам ўзбек миллатига хос хусусиятларни акс эттиришга, асарни ўзбек китобхони учун тушунарли муқобил сўзлар билан сўзлатишга уринган. Унинг ижодий меросидаги В.Ян билан ҳамкорликда яратилган “Ҳужум” пьесасида ушбу хусусиятлар яққол кўринади. Чўлпон В.Ян асарининг оддий таржимони эмас, балки асар ғояси, мазмуни ва асосий пафосини белгилаб берган, ўзбек миллий колоритини бор бўйича бера олган драматург сифатида улуши каттадир.

(Ушбу мақола бажарилиши 2021–2022-йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-57 рақамли “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформаси ва мобил иловасини яратиш” мавзусидаги амалий грант лойиҳаси доирасида тайёрланган).

Адабиётлар:

1. *Аҳмад С.* Чўлпон ва театр // Театр, 2000. – № 3. – Б. 16–18.
2. *Каримов Н.* Чўлпон (маърифий роман). – Тошкент: Шарқ, 2003. – 464 б.
3. *Ҳусайн С.* Танланган асарлар. – Тошкент, 1974. – 200 б.
4. Чўлпоннинг бадиий олами. – Тошкент: Фан, 1994. – 132 б.
5. *Шарафиддинов О.* Чўлпон. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 112 б.
6. *Каримов Н.* Истиқлолни уйғотган шоир. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 88 б.
7. *Мамажонов С.* Бизнинг Чўлпон. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – 64 б.
8. Большая советская энциклопедия. Т. 61. / Гл.ред. О.Ю. Шмидт. – Москва: Советская энциклопедия, 1934. – 478 с.
9. *Чўлпон А.* Асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2016. – 544 б.
10. *Қуронов Д.* Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 80 б.

11. *Каримов Н.* “Ҳужум” драмаси // Нафосат, 1993. – № 2. – Б. 29–35; – № 3–4. – Б. 26–27; – № 7–8. – Б. 22–24.
12. *Сулаймон Ш*. Менинг мулоҳазаларим // “Қизил Ўзбекистон”, 1929 йил 27 декабрь.
13. *Чўлпон А*. Асарлар. 4 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2016. – 320 б.
14. *Ризаев Ш.* Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 320 б.

ABOUT THE PLAY "KHUJUM"

D.Z. Abdullaeva[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 3 (63). 55-61.
[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: co-authorship of Chulpan and V. Yan, text and translation of the drama "Khujum", dramaturgy of Chulpan, drama "Khujum", translation of the drama.

The article deals with the creation, staging and relationship of the play by V.Yan (Yanchevitsky) and Chulpan "Khujum". Initially, the work was written in 1927 by V.Yan. Later, Chulpan creatively revised it and translated it into Uzbek. In literary criticism, there are different opinions about the author of the play "Khujum", some critics note that "Chulpan translated", others say that "Chulpan's contribution to the play is great", and some say that he was co-authored.

V.Yan calls the poem "Khujum" a "musical comedy". The topic is about the will of an Uzbek woman and criticism of superstitious ideas and traditions in society. The play "Khujum" was created in 1927 and staged in the same year, a year later it was performed on the big stage and became popular among the people. However, the question of the contribution of both authors to the creation of the work and the original text of the work remained open. Noteworthy are the memories in the diaries of V. Yan, in the works and articles of N. Karimov and T. Lobanova about the creation of the play "Khujum".

From these thoughts it is clear that Chulpan was not only a translator of the work "Khujum", but also a playwright who gave its basis, idea and essence to V. Yan. So it will not be a mistake to say that the idea that played the role of the first "yeast" in the formation of the poem belonged to Chulpan.

Chulpan himself emphasizes that "Khujum" is full of humour. Although Sotti Hussein was known in his time as a man of many critical views, this gives a positive assessment of the play.

Declaring that this work was created in connection with the need of the Uzbek stage for original comics, Cholpon said that the need for good comics has not yet been satisfied.

The play "Khujum" is estimated at the level of the famous "Queen Turandod" by Carlo Gotzi. When the Uzbek troupe toured the Ferghana Valley, their repertoire included "Malikai Turandod" and then "Khujum". The description of "harsh laughter" in the poster of the play, the descriptions of laughter in the play by Chulpan, S. Hussein and others also show that the general pathos of the work is humor and humor. According to these features, the work is also called buffoonery or buff-drama.

Abdulhamid Sulaimon Chulpan occupies a special place among the writers who laid the foundations of the Uzbek Jadid drama at the beginning of the 20th century. Chulpan's contribution to the emergence, development and growth of drama, which is a relatively young area of Uzbek literature, is invaluable. These features are clearly visible in the poem "Khujum", created in collaboration with V. Yan in his creative legacy. Chulpan V.Yan is not an ordinary translator of the work, but his role as a playwright who determined the idea, content and main pathos of the work and managed to give the Uzbek national flavor.

References:

1. Ahmad, S. (2000) Choʻlpon va teatr [Chulpan and theatre]. *Teatr*. No 3. Pp. 16-18.
2. Karimov, N. (2003) *Choʻlpon* [Chulpan]. Tashkent: Shark.
3. Husayn, S. (1974) *Tanlangan asarlar* [Selected works]. Tashkent: Adabiyot va san’at nashryoti.
4. *Choʻlponning badiiy olami*. (1994) [Chulpan's artistic world]. Tashkent: Fan.
5. Sharafiddinov, O. (1991) *Choʻlpon* [Chulpan] Tashkent: Choʻlpon.
6.Karimov, N. (2000) *Istiqlolni uyg’otgan shoir* [A poet who awakened independence] Tashkent: Ma’naviyat.
7. Mamajonov, S. (1997) *Bizning Choʻlpon* [Our Chulpan]. Tashkent: Yozuvchi.

8. Shmidt,O.Yu. (ed.) (1934). *Bol'shaya sovetskaya enciklopediya* [Great Soviet Encyclopedia]. Vol. 61. Moscov: Sovetskaya enciklopediya

9. Choʻlpon, A. (2016) *Asarlar* [Works]. In 4 volumes. 4-volumes. Tashkent: Akademnashr.

10. Quronov, D. (1997) *Choʻlponning hayoti va ijodiy merosi* [Chulpan's life and creative legacy]. Tashkent: Oʻqituvchi.

11. Karimov, N. (1993) “Hujum” dramasi [The drama [‘Khujum’]. *Nafosat*. No 2. Pp. 29-35; No 3-4. Pp. 26-27; No 7-8. Pp. 22-24.

12. Sulaymon, Sh. (1929) Mening mulohazalarim [My comments]. *Qizil Oʻzbekiston*. December 27.

13. Choʻlpon, A. (2016) *Asarlar* [Works]. In 4 volumes. 3-volumes. Tashkent: Akademnashr.

14. Rizaev, Sh. (1997) *Jadid dramasi* [Jadid drama]. Tashkent: Shark.

Муаллиф ҳақида маълумот:

АБДУЛЛАЕВА Дилдорахон Зумратбековна – филология фанлари доктори, Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти. E-mail: dildora.abd@mail.ru